

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМФАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 20 СЎМ

## УШБУ СОНДА:

«МУСОФИР БЎЛМАГУНЧА,  
МУСУЛМОН БЎЛМАС»

4-БЕТ

ШОИРА ТУРСУНОЙ СОДИҚОВА  
БИЛАН СУҲБАТ

7-БЕТ



## КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

ЭРИХ ФРОММ:

«ҚИЗИЛ ҚАЛПОҚЧА» ҚИЗЛАРНИ  
ОҒОҲЛАНТИРАДИ

САЛИМ АШУР:

КЎНГИЛДА ЁНГАН ЧИРОҚ



ТИШЛАР «КЎРИГИ»

## НОКИТОВИЙ ИЗҲОР

Ҳарбийдан эндигина қайтган навқирон, «ўлдим-куйдим» пайтларимиз эди. Чапани, бироз кўполроқ, ўз сўздан қайтмайдиган бир оғайним севги дардига мубтало бўлди. Кимнингдир тўйида ўша қизни кўрди-ю... Қиз эса дўстимни танимайди ҳам. Бунинг устига қиз шаҳарнинг қайсидир билим юртида ўқир экан.

Дўстим анчагача куйиб-ўртаниб юрди. Охири чиқолмади, шекилли, унинг маслаҳати билан қизга шоирона хат битди. Битишга битиб-мизу хатни қандай қилиб қизга етказишни ўйлабамиз. Яхшики, оғайнимнинг суйган қизининг опаси билан муносабати яхши экан. Хуллас, қизнинг опаси мактубни бериб қўйишга рози бўлди. Хат берилгандан кейин орадан бир-икки ҳафта вақт ўтди. Энди дўстимиз нима қилиб бўлса ҳам қиз билан танишиши керак. Шу ниятда у ҳар куни шаҳардаги билим юртининг олдида сарғаядиган бўлди. Лекин юрак ютиб қизга гапиролмасди. Ҳатто бир ку-

ни қизлар орқали кўчага чақиртирди ҳам. Қиз чиқиб, ким чақирди экан, дея атрофга хайрон боқди ҳам, у гапиршига ботинолмади. Қолаверса, қиз йигитни умуман танимасди. Иккиси рўбарў бўлишганида ҳам дўстимнинг тили айланмади. Ишқ қошида чапани йигит ҳам лол қолди. Не тонг, севги деганлар шунақа бўларканда.

Кунларнинг бирида дўстим қизни чақириб, ўзини танитишга, ўша хат муаллифи эканини айтишга эришди. Аммо қиз (қиз бола эмасми, нози бор-да) дағаллик билан йигитни рад этиб, севган киши бор эканлигини айтади. Дўстим ўша куни шаҳардан йўлгадек бўлиб қайтди. Кечки ҳасрат пайтида барибир ўша қизга ўйланишини қайта-қайта алам билан таъкидлади.

Эртаси куни дўстим билим юрти олдидаги ўз «жойи»ни яна эгаллади. Узоқ мулоҳазадан сўнг, қизларга ўз маҳбубасини акиси чақираётганини айтиб (алдаб) чақиртиради. Акс ҳолда қизнинг

чиқмаслиги турган гап. Қиз чиқиб келгач, рўпарасидаги йигитни кўриб, яна қоқоқ уяди. Дўстимнинг минг истиҳола билан айтган гапларини яна кечагидек рад этади. Шунда:

— Йигитингиз борми? — дейди, дўстим.

— Ҳа!.. — дея жеркийди қиз.

Дўстим эса «жаҳл билан қизнинг икки елкасидан тутадиди-да, эркакчасига бир-икки бор силкиб, кўзлари олайиб дейди:

— Ҳой, қиз, билиб қўй! Сени мендан бошқаси ўлигимни босиб ўтиб, кейин олади. Сен фақат меники бўласан, меники, деб қизни ўпиб олиб, ортига қайрилади. Шундан сўнг, опасининг айтишича, қиз кўрқанидан ўқишга ҳам бормади қўяди. Гап бунда эмас, гап шундаки, улар бир-бирларини севиб қолишди, турмуш қуришди. Хуллас, муқаддас ишқ деганларнинг шунақа изҳори ҳам бўлар экан.

Наби ЖАЛОЛИДДИН

Етти кун

## БИР ЯРИМ СОАТЛИК РАҚС

Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факултети кечки бўлими битирувчилари хайрлашув кечасини ўтказишди. Икки собиқ талаба оз эмас, кўп эмас нақ бир соату 25 дақиқа тўтовсиз рақсга тушишди. Бу ҳам етмагандай, талабалар шодлик ва армонларини ифодалаш учун ҳатто сахаргача рақс тушишга тайёр эканлигини айтишди.

## ТЕКИН ТЕШИБ ЧИҚДИ

Қаршилик пиво дўкони сотувчиси мижози йўқлигиданми ўзига тегишли «текин» пиводан ҳуши бошидан учгунча тўйиб ичади. Уйига етиб боргач эса, ич қуруллашига чиқолмай учинчи наватдан «сакрайди». Ва... унинг жонига пивохўрларнинг лоқайдлиги сабаб бўлди.

## ЯНГИ ГАЗЕТ — «ЯНГИ КУН»

Жумҳуриятимизда яна бир янги «Янги кун» gazetи чиқа бошлади. Бу gazetнинг бошқа нашрлардан фарқи беш мустақил давлатда, беш тилда чоп этилмоқда. Мақсад Марказий Осиё халқлари ҳамкорлиги ва тараққиётига кўмаклашиш.

Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг 50 милён аҳолисининг бугунги куни ва келажакини ёритадиган gazetнинг йўли ойдин бўлсин.

## «БЕКА»НИНГ УЛИМИ

Китоб туманидаги Суриш қишлоғида кўққисдан пайдо бўлган тоғ айғи 10 ёшли Ўткиржонни оғир жароҳатлади. Бундан хабар топган мишраблар айқини отиб ўлдиришди. Эссиз-эссиз, маймоқ полвон қитмирлик қилмаганда қай бир ҳайвонот боғи қафасининг «бека»си бўлиб юрармиди!

## ҲАММОМДАН... ҚУРУҚ ҚАЙТМАДИ

«Муштум» журналининг бўлим мудирини Абдураззоқ Обрўйга сармоядор фирмаларнинг биридан антиқа телеграм келди. Унда шоир ўзига тегишли қимматбахо совға ва пул мукофотини дарҳол олиб кетиши кераклиги ёзилган эди. Шоир ўзида йўқ хурсанд бўлиб, кўрсатилган манзилга борса... афсуски, ҳаммомга рўбарў келди.

Ва бунинг ҳазил ё гаразлигини билолмасдан не бўлса, бўлди дея ҳаммомдан қуруқ қайтмади.

## АБДУЛЛА ОРИФ ОРАТОРИЯСИ

Бастакор Мустафо Бафо Абдулла Орифнинг Ҳаж дафтари асосида 40 дақиқалик «Ҳажнома» ораториясини яратди. Муҳокамадан ўтган бу асар радионинг олтин тоқчасидан жой олди.

## БИР КИЛО ЯХНА — 4000 РУБЛ

Чироқчининг Чияли бозорида бир кило ҳилвираган яхна гўшти 4 минг рублга чиқди. Шу туманнинг айрим ҳудудларида ҳозир бир тўна сомоннинг нархи 10 минг рублга чиққанини айтсак, яхна унчалик қиммат эмас.

## ТАКСИЧИ ДОЛЛАРНИ... ОЛМАДИ

Туркиядан таътилга келган талабалардан бири уйига жўнаш учун Тошкент тайёрагоҳига таксиди борди. Аксига олиб чўнтағида энг майда пули 5000 талик экан. У таксичига 1 доллар узатди.

Таксичи эса долларни олмади ва кира ҳақидан ҳам воз кечди.



— КИМ КўП ИЧАРИ

С. МАҲКАМОВ сурати

## БОЛАЛИГИМНИ СОГИНАМАН

Ҳаёт қизиқ экан, ёшимизга ёш қўшилар экан. Буни дўстлар даврасида ўлтириб нишонлаймиз, гўё бу биз учун бир қувончли дақиқалардай. Аслида-чи, аслида ана ўша лаҳзаларда юрагимизнинг энг чуқур тубида оғриётган бир заиф нуқтани сезмай қоламиз. Бу йилларга симаган орзулар, йилларга симаган армонлар. Беихтиёр ана ўшандай дамларда болалигимни кўмсаб қоламан. Беихтиёр болалик деган сўзга жуда кўп марта таъна урдик, лекин мен тушунган болалиқнинг бахтиёрлиги у замондан ва тузумдан ҳам юқоридир. У бизга бир мартаба берилган бахтиёр дамларимиздир. Айтишингиз мумкин «ахир ҳозир болалигим машаққат билан кечаятганлар қанча?» деб. Шундайликка шундайку-я, аммо улар бир куни ҳеч нарсадан ками йўқ бир даражага етганда ҳам болалигини, бола-

лиқдаги беғуборлигини, ён-атрофидаги ўртоқларининг софдиллигини излаб қоларкан.

Инсон ёшига ёш қўшилар экан, унга гоҳ хиёнаткор дўстлар, гоҳ ҳар бир қадамини ўловчи ҳамроҳлар, гоҳ уни ҳеч қачон болалиқдаги ўртоқларидай англай олмайдиган роботсифат раҳбарларга дуч келар экан. Энг оғир кўксини баҳорга боғлаган муҳаббат ҳазонларга қоршиб йўқ бўлиб кетганда бир соатга, бир соатга бўлса ҳам бола бўлгиси, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келаркан. Гоҳида тушимга болалигим киради... Эрталаб кўз очар эканман, ўша чоқ ким биландир ҳазил-ҳузул қилгим, мириқиб суҳбатлашим келди. Гоҳ болалиқдаги юлдузчаси қий-шиқ тақилган суратимни кўлга олар эканман, уни яқиндагина тушган суратимга солиштираман. Бу расмдаги қувноқ кўзларимга ҳам-армон ботган,

узоқ ўйлаб қоламан... Кўз олдимдан бир-бир синфдошларим ўта бошлайди. Уларни соғинаман, кўргим келди, кўп ўтмай улардан қайси бирларинидир учратаман, аммо кўксимдаги кутиш заррача камаймаганини сезаман. Ҳаммамиз тўпланишимизни кутаман, аммо кўп ўтмай бир нарсани англаб қоламан, мен кутаётган нарса нафақат синфдошларим, балки ўша беғубор «бир қоп ёнғоқ»дай пайтларим экан.

Ҳаётдан ҳеч қачон одамзоднинг кўнгли тўлмас экан. Ҳамиша нимагадир, кимгадир зор-интизор йўлга кўз тутамиз, бу йўлдан ҳеч ким келмайди, балки биз бораверамиз, бораверамиз. Узоқ-узоқда эса болалигимиз кўл силкиб хайрлашаётгандай кўринади. Бу болақай гоҳ ортада қолади, гоҳ олдинда, биз эса унга талпиниб бораверамиз...

Бир қизиқ нарсаси бор: катталар «сен ҳали ёш боласан», ёки «кап-катта бўп консанку» деганда нимани назарда

туттишаркин? Болалик билан ўсмирликнинг чегараси қаерда? Бироз чўзилган бўйдами? Дўриллаш бошлаган овоздами? Меңимча болалик билан ўсмирлик ўртасида ниҳоятда нафис бир чегара борки, гоҳ ён-веримиздаги болақай укаларимизни ана шу чегарадан қандай қилиб, қачон ўтганини сезмай қоламиз. Негаки, биз ҳам бир вақтлар бу чегарадан ўзимиз сезмаган ҳолда ўтганмиз. Кунлардан бир кун кўзимизга дунё бошқачароқ, юлдузлар яна ҳам сирлироқ бўлиб туюла бошлайди. Кўзимиз, дилимиз кимнидир излайди, кўмсайди.

Биз болалиқдан ҳатлаб муҳаббат сарҳади оша чинакам ҳаёт йўлига олиб чиқувчи ўсмирликча етимиш ва илк бора болалигимиз билан хайрлашамиз. Бу кунни ҳеч ким, ҳеч қачон унуттолмайди. Мен ҳам бу кунни ҳеч қачон унуттолмайман. У ҳануз менинг юрагимда. Ҳануз болалигимни соғинаман.

Минҳожиддин МИРЗО

# НОСИРУДДИН ТЎСИЙ

## ВА УНИНГ «АХЛОҚИ НОСИРИЙ» АСАРИ

Носируддин Абужаъфар ибни Ҳасан ат-Тусий (1201-1272) буюк олим ва файласуф сифатида оламга машҳур бўлган. У отасидан араб тили ва фикҳ илмларини, аммакисидан мантиқ ва фалсафани ўрганиб, билим олиш учун Нишопурга боради. Мўғуллар истилоси даврида 1227 йили бу ердан Кўхистонга бориб, 1256 йилгача ўша ерда қолади. Кўхистон Ҳолукаҳон томонидан босиб олинган, Носируддин Мароғага бориб, Мароға расадхонасига асос солиб, у ерда узоқ йиллар яшайди. Носируддин Тўсий 1272 йили Бағдод шаҳрида оламдан ўтади.

Носируддиннинг илмий асарлари сони 200 дан ортиқдир. Улар фалсафа, ахлоқ, ҳандаса, алжабр, тиб ва шеърятга бағишланган бўлиб, Шарқ маданиятида катта из қолдирган.

Унинг «Ахлоқи Носирий» асари 1235

йили ёзилган бўлиб, уч мақоладан иборат ва ҳар бир мақола фаслларга бўлинган. Биринчи мақола «Тазҳиби ахлоқ», иккинчиси «Манзил тадбири» ва учинчиси «Маъдун (жамият) тадбири» деб номланган.

Носируддиннинг ахлоқий таълимоти куйидагича: 1) ахлоқ фитрий бўлмай балки, муҳит ва тарбия таъсиридан ўзгариб ривожланади; 2) инсон ахлоқини тарбия йўли билан ўзгартирса бўлади; 3) инсон ўз умри давомида ўзгариб кетади. Шунда Носируддин ашъария таълимотига қарши чиқиб, ахлоқни тарбия ва муҳит таъсиридан ўзгаришини исботлаб берди.

Қуйида «Ахлоқи Носирий» асаридан бир парчани рўзнома мухлисларига ҳаёда қилмоқчимиз. Ҳижрий 1095 йили, [милодий 1684 йили] кўчирилган бу асар нусхаси жуда нодирдир.

лаганда ширин ва зарофат ила гапирши лозим. Шу одатларни болаларга ёшлигидан тарбия қилиш даркор. Бола ўз муаллимлари, устозлари ва ўзидан катта кишилар хизматида ҳаммиш ҳозир эканини кўрсатиши керак. Улуғ кишиларнинг болалари бу одатларга кўпроқ муҳтождирлар. Аммо муаллимнинг ўзи оқилу диндор бўлиши, болаларга ахлоқ ўргатиш усулларини мукамал билиши, ширин сўзли, жиддий, ҳайбатли, одил ва раҳмдил, назокатда машҳур бўлиши даркор. У халқнинг ҳар бир табақа ва гуруҳи билан яхши муомалада бўлишнинг қоида ва талабларини билиши зарур. Муаллим паст кишиларнинг разил (ёмон) ишларини ҳам болаларга сабоқ олиш учун кўрсатиши керак.

Улуғ ва машҳур кишиларнинг фарзандлари яхши одоб ва ёқимли хулқ-атвори билан ўзларини ҳар томонлама яхши, намуна қилиб кўрсатишлари зарурдир. Чунки мактабда бошқалар улاردан ибрат оладилар. Агарда муаллим адаб бериш учун болани уришса унинг яқинлари бориб шафоат сўрашлари тўғри бўлмайди, чунки бу заиф ва ожизларнинг феълидир. Болани биринчи гуноҳи учун секингина уришиб қўядилар. Фарзанд шундан сабоқ олиши мумкин, бола ўз ёмон қилмишига яраша жазо олади. Яхши иши эвазига яхши мукофот олган боланинг хулқи ҳам, атовори ҳам яхши бўлади.

Болага мол-дунё бойликларини ёмонлаш лозим, чунки пулу молнинг зиёни, бало офатдан, ҳаттоки илон заҳридан ҳам оғирдир. Болага тез-

тез ўйнаб юриши учун ижозат берадилар, аммо ўйин мазмунли ва гўзал бўлиши лозим...

### ҲУНАР

Агарда бола илм олишга мойиллик кўрсатса, шу танлаган илм (ёки ҳунар) таълимини аста-секин бошлаш лозим, яъни аввал ахлоқ илми, кейин ҳикмати назарий илмини таълим берадилар... Лекин биринчидан боланинг табиати ва истеъдодига қарайдилар. Унинг қобилиятини, фаросатини, зеҳнининг ўткирлигини билиб оладилар. Шунда боланинг илмга ё бирон бир ҳунарга қобилияти борлиги ва майли аниқ бўлади. Сўнгра болани бирон бир ҳунар ёки касбни ўзлаштиришга машғул қиладилар. Болаларнинг ҳаммалари касб-ҳунари олишга берилиб кетмайдилар, акс ҳолда ҳамма одамлар ҳунарманд ва касиб бўлиб кетардилар.

Бола бирон иш ёки ҳунарга мойиллик ва хоҳиш кўрсатса, истеъдоди ва таважжуҳини билдирса, шу касбдан яхши натижа олди, бу ҳунар ва касб унинг бир умрлик машғулоту ва иши бўлиб қолади ва шундан тиркичилик қилиб юриди. Бола бирон бир ҳунарга мутахассис бўлмоқчи бўлса шу касбга тегишли бўлган ҳамма илм ва донишлар таълим берадилар. Масалан, китобат саноатини олайлик. Китобат саноати учун бола тажвидни билиши, хотира ва нутқини мустаҳкамлаб ривожлантириши, рисола (хат) намуналарини ёдлаши, кўп хутбаларни билиши, масал ва мақолларни, шеър, ҳикоялар, суҳбатлар мазмунини, ёзилиш усуллари, ширин латифаларни кўп билиши, талмеҳ санъати, девон ва ҳисоб ишларини ўрганиши зарур бўлади. Бола булар билан қаноат қилмай доимо ва ҳаммаша ўқиши ва ўрганиши лозим.

Ҳунарманднинг энг ёмони бу ўз касбининг ривожланишини ўйламайдиган кишидир. Бу эса энг ёмон ҳислатлардан ҳисобланади...

Форсчадан Шодмон ВОҲИД ўғирмаси

### «СИЁСАТ МАЪРИФАТИ. БОЛАЛАР ТАДБИРИ ВА УЛАРНИ ТАРБИЯ ЭТИШ ҲАҚИДА»

Бола дунёга келгандан кейин унга яхши ном қўйиш лозим. Агар болага номувофиқ исм берилса, бутун умри давомида у хафақон қайғусираб яшайди. Иккинчидан, болага яхши доя (мураббий) лозимдир. Доя эса соғлом ва ақлли бўлиши зарур. Доянинг айблари кўп бўлса болада ҳам нуқсонлар кўп бўлади. Доя хушахлоқ бўлса бола ҳам одобли ва риёзиёт билан шугулланадиган бўлади. Бола тарбияси учун мураббий кўп ва жиддий шугулланиши керакдир. Агарда тарбиячининг ўзи бадахлоқ бўлса, боланинг хулқ-атвори ҳам ёмонликка мойил бўлади ва унинг хатти-ҳаракати мураббийнинг феъл-атвори таъсири ўтади. Боланинг тоза табиатида ёмон иллатлар пайдо бўлади, яъни қайси нуқсон мураббийда кўпроқ бўлса болада ҳам шу ҳислат кўринади.

Болага энг аввал ҳаё (уят) ва номус қилишдан сабоқ берилади. Бола ҳаёдан бошини пастга эгиб туришга ўрганади. Бу эса унинг хушодоблигини исботлаб шуни кўрсатадики, боланинг руҳи тоза ва гўзалдир. Хушодоблилик яхши тарбиянинг аломатидир.

Шундан кейин болага атрофидаги инсонларни севиши, ҳурмат ва эъзозлашини тарбия қиладилар. Аввал «Куръон» оятлари, мусулмонлик фарзу суннатларини, кейин дин вазифаларини бажариб яшашга ўргатиб мусулмонлик йўлига олиб кирадилар. Қайси илм ёмон, қайси ишлар яхши эканини болага тушунтириб унинг яхши ишини мактаб, ёмон илмлари учун танбеҳ берадилар.

### КИЙИНИШ

Болани яхши кийиб, тоза юришга ўргатиш лозим. Унинг кўнглида ҳирс, кўп еб-ичмоқ хоҳишининг пайдо бўлишига йўл бермаслик керак. Чиройли ва рангли кийим кийиш қиз болаларга ярашади, шараф ва номус аҳлига эса кийим-кечакнинг аҳамияти йўқдир. Бу ўғитларга риоя қилиб уларга одат қилиш лозим. Болага ёмон таъсир ўтказадиган кишиларни ундан узоқлаштириб қўйиш яхшидир. Акс ҳолда бола ёшлигидан қабиҳ (ёмон) одатларни ўзига касб қилиб олади ва ёлгончи, ҳасадгўй, маккор ва ёмон бўлиб қолади.

### ТАЪЛИМ

Сўнгра боланинг таълими бошланади. Аввал болага шеърларни ёдлашни ўргатадилар, кейин қасида ва

ғазалларни. Шеър ёдлаш боланинг завқидан хотирасининг кучлигидан дарак беради ва улари мустаҳкамлайди. Шундай болаларни ҳар вақт мактаб қўйиш мумкиндир.

Болани ҳамма ишлардан манъ қилиш тўғри эмас, чунки «инсон манъ қилган ишларга интилади. Болага энг аввал шаҳват (ва нафс) кучи устидан голиб чиқишни ўргатиш зарур. Болага биринчи бўлиб таом ейиш қоидасини ўргатадилар. Овқат бу лаззат олиш учун эмас балки, соғ-саломат яшаш учундир. Физо (овқату соғлик ва ҳаётнинг манбандир. Масалан, киши доруни лаззат олиш учун эмас, даво топиш учун истеъмол қилади. Таом ҳам шундай. Кўп ейишни болага манъ этиш керак ва уни ҳар хил таомга ўргатиб, зарур бўлган вақтда бир бурда нон еб яшашга ҳам ўргатадилар. Кўп ейишдан бола дангаса бўлиб, ақли ўтмас бўлади ва у шўхлик ёки уйқуга берилиб кетади. Кўп ширинлик ҳам болага зиёнлидир. Таом истеъмол қилиш давомида бола сув ичмасликка одат қилсин.

Болани шароб истеъмол қилинадиган мажлисга олиб кириш манъ этилади. Ҳатто мажлис аҳли фозил ва доно кишилардан бўлса ҳам. Болани ҳазил, кулгили ва масхара маънода бўлган суҳбатлардан четлаштириш маъқул. Бола то дарсини ва ўз вазифадарини бажармаса овқат бермайдилар. Болага яширинча бирон иш қилишига ҳам йўл бермаслик лозим. Агарда бола ёмон ишларга берилиб кетса, кейинчалик у шу ишларда ўткир бўлиб кетади. Болани кўп ухладан ҳам манъ этиш керак. Кўп уйку зеҳни ғализ, хотирани ўтмас қилиб боланинг бошқа узвларига ҳам зиён етказилади.

Болага юмшоқ, енгил кийим кийинтирмайдилар. У қаттиқ ва дағал кийимга одатланиши даркор. Бола ёзининг иссиқлигига ва қишнинг совуқлигига чидамли бўлиши, юриши, ишлаши, риёзат вақтида матонатли ва сабр-тоқатли бўлиши керак.

Болага юриш-туриш қоидалари, бирон нарсани сўраб, сўроқларга жавоб қайтариш қоидаларини ҳам ўргатиш ниҳоятда зарурдир. Бола сочини ўстириб, қизларга ўхшаб кийиниб юриши, ҳожати бўлмаган узук ва тақинчоқлар тақиб юриши тўғри эмас.

Болага қимматбахо кийимлар, молу нарсалар, қиммат турадиган таом ва ичимликларни олиб бериш ҳам нотўғридир.

Бола ўз яқинлари ва атрофдаги кишилар билан иззат-иқром-ла муносабатда бўлиши лозим. Унга таасубни, таъмағирликни, ҳирс ва ҳасадни ёт қилиб кўрсатиб онт ичишлардан ҳам манъ этиш зарур, чунки ёлгон сўзлаш ва онт ичиш ҳамма учун қабиҳ (ёмон)дир.

Улуғлар олдида боланинг жим туриши, фақат сўраганларида сўзлашув, улар олдида асосан эшитиш, сўз-



«Оила ва жамият» 28 (99)

Бир йиллик таҳсилдан сўнг Туркия дорилфунунидан жигарбандларимиз таътилга келишди. Уларнинг кўзларида, сўзларида, ҳаракатларида бир йил аввалги аломатлар йўқ. Бир аломатларки, уларни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Уқишдан ҳам аввал, боболаримизнинг айтган бир мақоли ҳаёлимда гужгон бўнади. «Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмас». Бу гапга нисбий деб қарайдиган бўлсак ҳам, ўша нисбийликда бир олам маъно бор.

Укаларимиз ўқишдан ҳам кўра, аввало мусофирликка йўлиқшди. Кейин олган илмлари... Келинг, уларнинг ўзларидан эшитайлик.

Ўқитишлари ёқди. Уша Урхун-Энасой даврларидан шу кунгача бўлган тарих ҳаққоний ўқитилар экан. Бу фақат Туркия тарихи деб ўйламанг — Урта Осиё тарихи! Қолаверса, бизнинг тарихимиз улар билан бир, қонқариндош эканлигимизни англадик. Ҳамма-ҳаммаси —

тил, урф-одат, маданият бизникидан унчалик фарқ қилмайди. Тарих уларда мактабларданок мукамал ўргатилар экан. Ҳаққоний тарих! Тарихини ҳаққоний ўрганиш миллатини севишга олиб келади. Қолаверса, Ўзбекистон, миллат четдан яши кўрнар экан. Республикани ривож-


**ШАВКАТ НАСРИДДИНОВ**  
(Термиз университети):

— Уларда тестлар шундай мукамал тузилганки, ҳар қанча қочмагин барибир ўқишга мажбурсан. Тестдаги мукамалликлар шу даражадаки, талабаларни ўқишга келиб-кетиши, ўқиш мажбурияти ўз-ўзидан, бировнинг йўқ-ламасисиз давом этаверади.

**ҒАФУР РАҲМОНҚУЛОВ**  
(Физик):

— Узимизда математика фани нисбатан жуда кучли экан. Умуман фундаментал илмларимиз, айниқса, ривожланганлигига иқрор бўлдим.

## БИР ЙИЛНИНГ ХУЛОСАСИ



**РУСТАМ МАРДОН** (у Туркияда ўқиш билан бирга газетимизда кўпгина мақолалар чоп этишга улгурди. «Оила ва жамият»нинг Туркиядаги мухбири).

— Тўғриси, биринчи борган кунимизданок Пахлавон иккимиз эртага эрталаб қайтиб кетамиз деган қарорга келдик. Ётоқхона, ўқишдаги қатъий тартибдан гўё ўзимизни қамқоқнага тушгандек сездик. Туни билан ўйлаб чиқдик. Хулосамиз шу бўлдики, бизни Ўзбекистон — ота-онамиз, домлабларимиз ишонч билдириб юборган, миллатнинг юзини ерга қаратамизми, деган андишага бордик. Қочиш номарднинг иши эмасми? Кўп фурсат ўтмай билдикки, ўқиш, ётоқхона тартибларининг қатъийлиги, ўқишимизга фақат ёрдам бераркан, холос. Умуман, кўп нарсани ўргандик. Биринчи йил бўлганлиги учун тилини, шунингдек, тарихини ўргандик.



**ЭРКИН ШЕРМОН** (ТошДД — Тракия университети):  
— Менга айниқса, тарихни

лантириш учун мозийга қайтиш, ўқиш, ўрганишимиз лозим.

Дўстингиз гапи умумий бўлиб қолмаслиги учун ҳамроҳи сўз бошлади.

**ЗАРИФ ҲИКМАТЗОДА**  
(ТошДД — Тракия университети):

— Узимизда асрнинг бошида жадидчилик ҳаракати бўлган. Ҳозир улар ҳақида кўп ёзилапти. Ёзилапти-ю у ҳаракатни, яъни маърифатни йўлга қўйиш, уларнинг усулларини амалда қўллаш ва ниҳоят жадидларнинг тўхтаб қолган ҳаракатини ривожлантириш ҳақида ҳеч иш қилинмаётгандек.


— Игитлар яна ўқиш масаласига қайтсак, қанчадан стипендия оласизлар, ишла-яписизлар ҳам деб эшитдик.

**ЭРКИН ШЕРМОН:** — Стипендия тариқасида 670 минг турк лираси оламиз. Бу 70 долларга тўғри келади. Шунингдек, 600 минг лира овақт пули беришади. Умуман олганда еб-ичишга етади. Бир кунда 30-40 минг лира сарфлаймиз.



**ЗАРИФ ҲИКМАТЗОДА:** — Дарсдан бўш вақтларда хоҳлаш жойда ишлашимиз мумкин. Болалар тижорат билан шуғулланишди, энг шарафли ҳисобланиш гарсон (қозон-товоқ ювувчи) бўлиб ҳам ишлашди. Ҳафтасига 30 доллар, бир ойда эса 120 доллар иш ҳақи олади. Ишлаб топилган пулларга эса кичик таътилларда чекка давлатлар — Юнонистон, Булгаристон ва Туркиянинг ўзини ҳам томоша қилишади, қолганига ўзбекилик эмасми, қариндош-уруғларига совғасаломлар олишади.

Икки кундан кейин Туркиядаги яна бир мухбиримиз Пахлавон СОДИК (унинг ҳам Туркия ҳақида анчагина мақолалари «Оила ва жамият»да чоп этилган) ҳам етиб келди. Қўйишда унинг бир йиллик хулосаси билан танишиш.



— «Туркия — кейинги ўн йилнинг кашфиётларидан бири. 80-йиллардан кейин Туркия каби тез суратда ривожланган мамлакатлар бармоқ билан санарли. Дунёда мутлақо ўз сўзи бўлган бир давлат. Не бахтки, Туркий давлат, туркий мулк. Мен Туркияни, агар жаҳон афкор оммаси томонидан жиддий қабул қилинмаган бир давлат бўлган тақдирда ҳам ёлғиз бир нарса учун — туркий қавмининг номини — «турк» номини ташигани учун ҳам севган бўлардим. Унинг ичидаги шартлар — сиёсат, иқтисод — булар айри масала.

Туркияда, биздан фарқли ўлароқ, одамларнинг бошида «қорин ташвишимдан бошқа, ҳеч бўлмаса, яна битта ташвиш мутлақо бордир. Бу — эътиқод ташвиши. Биз ичида яшаб туриб ситамларини англаб етмаганимиз — Туркистонни, туркларнинг она Ватанини соғиниб яшайдиган одамларни кўрасиз у ерда. Агар сиз кўрмасангиз — ўзлари сизни кўришади. Чўлпоннинг «Гўзал Туркистон» шеърини биладиган одамлар Ўзбекистонда балки сон-саноклидир. Сиз билан биз бу шеърни ўқисак, ҳай, таъсирланармиз, йиғлай олишимизга ҳеч кўзим етмайди. Мен бу шеърни кўзларида ёш билан қўшиқ қилиб куйлаган инсонларни кўрдим. Ҳайратланмай бўладими?



С. МАҲҚАМОВ сурати

Маънавият ҳақида гапирадиган бўлсак, энг аввал бутун инсоният мудҳиш бир маънавий бўҳрон ичида эканлигини эслашимизга тўғри келади. Гўзаллик ҳамма ерда бор. Чиркинлик ҳам. Истаган одам гўзалликни, истаган одам чиркинликни бемалол кўриши, истаса ўз борлигини Ота-туркнинг ўзи ёзган экан. Бу — тарихнинг бир қисми. Аммо битта жон бўлишни истасак, бизни бирлаштирадиган нуқталар жуда кўпдир тарихда.

Игитлардан бири таҳририятдаги ёзув столлари устидаги турли жиҳозларни кўриб «ҳамма нарса ўша-ўша» деди. У кўзларидаги соғинч-ни шу гапи орқали изҳор этганиди, лекин бир йилдан буён шу ерда ўтирган — бизнинг эса бу гап ҳавасимизни келтирди. «Юрган дарё, ўтирган бўйро» деганлари рост экан-да.

Сўхбат узоқ давом этди. Билдикки, бир йил фурсат бекорга кетмаган. Иншооллоҳ, Ўзбекистон Туркияга кетган фарзандлари хизматидан кўп манфаат ва ҳузур олади.

Ҳалим СЛЙИИД  
гурунглашди

● Аҳмад ЯССАВИЙ ●

## ҲИКМАТ

Неча йиллик меҳрибоним, жон эдилар, дўстларим,  
Бу вужудум шаҳрини фоний қиладур, дўстларим.

Бу қафасни тўтиси парвоз қиладур учгали,  
Бир қаронғу шўғласиз ерга борадур, дўстларим.

Эй мани ёронларим, ҳиммат тутунг имонима,  
Душманам имонима заҳмат беродур, дўстларим.

Ушбу жон бизлар билан бир неча йиллар бор эди,  
Ҳақ таъоло ҳукми билан азм этадур, дўстларим.

Бу менинг аъзоларим жоним билан шодмон эди,  
Жон чиқарга қулли аъзом титрашодур, дўстларим.

Амир Ҳаққа барча халқи оламиний бўлди ризо,  
Ул ҳақиқат бандалар дойим ризодур, дўстларим.

Қул Хожии Аҳмад тўтиси парвоз этадур учгали,  
Найласин мискин ҳукми Худодур, дўстларим.

**маслаҳатлар**

**АЖИН ТУШМАСИН ДЕСАНГИЗ**

Узингизга бир эътибор беринг: сизда пешонани тириштириш ёки қошни кўтариш одати йўқми! Кўпчилик бунни ўзи пайқамайди. Аслини олганда шундай ўрганиш одат (мимика)лар оқибатида одамнинг юзига чуқур ажинлар тушади. Бундай ажин тушишларнинг олдини олса бўлади.

Бунинг учун кўзгуга бамайлихотир, мимика қилмасдан, кулмасдан, юзингизни буриштирмасдан қараб туринг. Ана шу пайтда юзингизда пайдо бўладиган сезгиларни, ўзгаришларни эслаб қолинг. Ирода кучи билан кун бўйи бу сезгиларни сақлашга ҳаракат қилинг. Пешонани, тириштириш, ҳар хил ўзгаришлар билан сўзлашни ташланг.

Ажинлар изини юмшатиш учун юзингизнинг хотиржам, мулоим ҳолатда бўлишига ҳаракат қилинг, жим турган пайтингизда тишларингизни бир-бирига қаттиқ босманг. Эрталаб уйонганингизда ўриндан

турмасдан 5-6 секунд мобайнида қовоқларни қаттиқ юминг, кўрсаткич бармоқларингизни қош устиёйга қўйинг, кўзларингизни 4-5 секунд қатта очинг. Машқни 8-10 марта такрорланг. Бир неча кундан кейин бу машққа ҳожат қолмайди. Чунки ажинлар тўпланмайдиган бўлади.

Пешонага озиқлантирувчи крем суриб, устидан бир бўлак асал қоғоз (мум бўлса ундан ҳам яхши) ёпингда, бинт билан боғлаб қўйинг. Бу усул 15-20 марта такрорлангандан сўнг фойдаси бўлади. Массаж ҳам ажинларни йўқотади. Бунни мутахассис косметологлардан ўрганиб олиш мумкин.

Агар бола тўсатдан касал бўлиб ҳарорати ортиб кетса, врач келгунга қадар унинг баданини нам сочиқ билан артиш, сочиқни ҳўллаб пешонасига қўйиш мумкин. Еки ароққа ёки сув қўшилган спиртга сочиқни ҳўллаб, бола баданини артиш эса иситмани туширишга яхши наф қилади.

Баъзи оналар спирт теридан қонга ўтиб, болани ичкиликка берилдиган қилиб қўйиши мумкин, деб хавфсирайди. Алкогол организмга тери орқали ўтмайди.

Бир пиёла аччиқ чой таркибида 0,05 грамм атрофида кофеин бўлади, бу масалан, битта таблетка пиркофен таблеткасига тенг келади. Шунинг учун ҳам қадимдан бир пиёла аччиқ чой ичсангиз, бош оғриғи таққа тўхтайдди деб бежиз айтишмаган.

Ҳайз кўрган пайтда аёллар иложи борича пастроқ товушда гапирришлари керак. Акс ҳолда аёлининг овози фақат бўғилиб қолмай, балки у товушини бутунлай йўқотиб қўйиши мумкин. у даврда организм гормонларга жуда тўйинган бўлади, шу сабабли тўқималарга қон қўйилишига мойиллик юзага келади.

Сочни мустақамлаш ва тўкилишининг олдини олиш учун: эман (дуб) қобиғи ва бош пиёз пўстидан тенг қисмда олиб, бир стакан аралашма тайёрланг. Аралашмани бир литр қайноқ сувга солиб суз оловда бир соат қайнатинг. Қайнатмани докада сузинг ва сочингизга суртинг. Орадан икки соат ўтмасдан бошингизни илпқ сувда ювинг. Сочингиз очиқ ҳавода яхши қурисин.

**Дераза**

**АФСУСЛАНМАНГ**

ДСП, яъни кипиқтахтадан тайёрланган буюмлар, жумладан мебеллар инсон ҳаёти учун хавфли экан. Гап шундаки, кипиқтахта кипиқ ва уни елимлайдиган смоладан тайёрланади. Худди ана шу елимнинг таркибида захарли формалдегид азёси мавжуд. У мебеллар таркибидан ой, йиллар давомида парчаланиб чиқиб, унинг эгаларини муттасил захарлай боради. Фарбада ушбу турдаги мебеллар бозори аллақачон касодга учраган. Шу боисдан дўконлардаги «нархи осмон» мебелларга қараб афсусланманг.

**ГОРБАЧЕВ «АРТИСТ» ЭКАН**

Машҳур немис кинорежиссёри Вим Вендерс «Шунчалар узоқ, шунчалар яқин» номли филмини суратга олди. У Масков халқаро кинофестивалида намойиш этилди. Собиқ СССРнинг собиқ президенти М. С. Горбачев филмдаги муҳим роллардан бирини ўйнаган. Қизиги, Михаил Сергеевич бутун филм давомида бир оғиз ҳам гапирмасдан нукул ўйлайди. У киши нимани ўйлади экан-а? Бунни билиш учун, имкон туғилса, филмни томоша қилишга тўғри келади.

**«АМЕРИКА ОВОЗИ» ХАБАР БЕРАДИ**

Америкалик кашфётчи Теннессе Фредди Робертс тунги электронг тувак кашф қилди. Тувакнинг тубидаги инфрақизил узатгичлар унга тушган нарсани аниқлаб олади ва шундан сўнг мўъжиза юз беради: тувак гўдак бола «чур-чур» ёки «кака» қилгани учун уни мақтайди. Масалан, бола «учирди» дейлик — «Яшша, хўро!» (муסיқа янграйди), «каттаси»ни бажарди — тувак шунга мос овоз чиқаради: «Э, қойил!» (муסיқа янграйди). Иш бажариб бўлингач эса тувак ичи рангли тусда ёришиб «Қувонч садоси» муסיқаси тарала буюлади.

Фредди Робертс тувагининг бозори қақон бўлиб кетди. У буюртмаларни бажариб улгурмаяпти.

**«БЕЧОРА» МИЛЛИОРДЕР**

«Мен бир бечора бухгалтерман. Зўр-базўр кунимни кўриб юрибман». Январ ойида ҳибсга олинган ситсилия махфияси отахони Тото Риина суд ҳақимларига худди шундай деди. Терговчилар узоққа чўзилган машаққатли меҳнатдан сўнг Ринининг сарҳадсиз бойликларининг бир қисмини аниқлашди. «Бечора» бухгалтернинг ҳозирча 100 миллиард лираси давлат фойдасига тасарруф этилди.

**МАТБУОТ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ**



«СУКУНАТНИ КЎРГАНДА МЕН, СУКУНАТНИ ЎРГАНДИМ МЕН»

Ҳ. САИДОВ сурати

**Табриклаймиз!**

Азиз ва меҳрибон онажонимиз Кибриёхон РАШИДОВА! Таваллуд айёмингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, бахт-саодат, сihat-саломатлик тилаймиз. Ҳаётингиз доимо вақтиҳўшлик билан ўтсин, деб қизларингиз УМИДАХОН, ФОТИМА, ДИЛБАР ва ЗУХРА.



**НОЗИГУЛ!** — Тугилган кунинг муборак! Муаттар гулшанининг гўзал бекалигини тилаб, ХОНБУВИ.

**МАТЛУБАХОН!** Сизни 21 июл таваллуд кунингиз билан чин дилдан кўтлаймиз. Қалбингиз булоқ сувидек мусаффо бўлсин, ҳаётингиз серфайз ўтсин, деб бувингиз Марғубахон УСАРОВА, адангиз УЛУҒБЕК, опангиз МУҲАНЕ.

Газетимизнинг газначиси АБДУВАЛИНИ муқаддас никоҳ тўйи билан табриклаймиз. Келинпошиша сеплигина ва эплогина бўлсин. Ушбу

янги оилада файзу барака, тотувлик ва ҳамжиҳатлик доимо барқарор бўлсин, деб «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» жамоаси.

Меҳрибон аяжоним! Фотимахон КАЛОНОВА! 15 июл таваллуд кунингиз билан чин юракдан табриклайман. Бахтимизга ҳамиша соғ-саломат бўлинг. Қизингиз ШАҲНОЗА.

Ҳанифахон! Тез кунлар ичиде кириб келатган таваллуд кунинг билан қўтлайман. Соғ-саломат униб-ўсиб, бахтли-тахтли бўлсин. Тарбиячи опанг САИДА, Тошкент.

**Оила**

**38 ЕШДА**

Фарғонада яшайман. Табватим оғир-босиқ. Бир ўг-

лим бор. 43-48 ёшлардаги мусулмон кишининг меҳрибон рафиқаси бўлсам дейман. «Оила-211».

**30 ЕШДА**

Шофёрман. 2 нафар (8 ва 6 ёшли) ўғлим бор. Хотиним вафот этган. Соғлом, хушбичим, [касби ўқитувчи, ёки врач бўлса кўнглимдагидек] болажон жувонга уйланмоқчиман. Ҳамма шароитим етарли. «Оила-212».

**44 ЕШДА**

Тошкентлик, одобли, камтарин, турмуши бузилган жаноб 30-45 ёшлар атрофидаги оқила, рўзгорим дейдиган хонимга уйланмоқчи. [Қайси шахардан бўлишининг аҳа-

мияти йўқ]. Касби—юк ташувчи. «Оила-213».


**37 ЕШДА**

Тиббий ходима, турмуш қурмаган, уй-рўзгор ишларига эпчил, тошкентлик, оқ юзли, ўрта бўйли, истариси иссиқ қиз 40-45 ёшгача бўлган, жиддий, мулоҳазали тошкентлик ўзбек йигит билан танишади.

Сурати билан юборилган мактубга батафсил жавоб ёзади. Сурат қайтариб берилмади. «Оила-214».

**Изоҳ:**

Газетимизнинг Оила бўлимига муурожаат этган «Оила-201» абонентдаги жаноб. Сизни тахририятимизга келиб мактубларингизни олиб кетишингизни сўраймиз.



Равшан Файз ўттиз тўртга кирган. Эргаш Жуманбулбул юртидан. Ҳозир Тошкентда яшайди. Уч хонали уйи, уйда хотини, Юлдуз, Чарос исмли қизлари бор. «Ухлаётган одам», «Ташриф», «Мен шамолни тутволдим» номли китоблари чоп этилган.

Дилим, о, менинг девона дилим, маҳкам бўл,  
Билмасанг билмабсан дунёнинг дардин.  
Қарагин, пойингда тўлгонар бир йўл,  
Қарагин, дарахтлар тўкяпти баргин.  
Кўрасан, бир кун шу йўл тугайди,  
Бир кун атиргулдай очилади сир.  
Эҳтимол, турналар қайтаётган пайти  
Оғриқдан оҳ тортиб юборар кимдир.



«Дада, қаранг қуш, қуш учяпти»,  
деди ҳайрати ичига сизмай икки ёшли  
Юлдуз қизим қайчини кўрсатиб. Бу  
унинг ҳаётдаги биринчи ўхшатиши...

Бўғзимга тикилиб қолди бир нима,  
Нимадир мижжамга келди сизилиб.  
Кейин ханжар каби тўғдор ваҳима  
Оламга отилди оғзимни тилиб:  
Қизим, она қизим, кўп доно қизим,  
Туф дейин қуш тилинг, гуруч тишинга,  
Келгин, ҳайратимнинг тафтида исин,  
Жоним садқа бўлсин ўхшатишинга.  
Гарчи қаноти йўқ, оёғи йўқдир,  
Осмон деса гарчи қизимас ичи,  
Қайчи бўлса бўлди, кўнглим кўп тўқдир,  
Қушга ўхшар экан бари бир қайчи.  
Ақлинг меникидан бўлгандир сара,  
Йўқса, қайда эди ўттиз йил бу ҳуш?  
Ростдан ҳам нимаси биландир қара,  
Қайчини эслатар ахир ҳар бир қуш.  
Илон ҳам, товуқ ҳам эмасди йилинг,  
Бари бир энди тар қолар сурнайчи:  
Оҳангга ошуфта илоннинг тилин  
Бир кун сугуриб учади қайчи.  
Қизиб, омон қизим, кўп ёмон қизим,  
Туф сенинг қуш тилинг, гуруч тишинга.  
Келгин, ҳайратимнинг тафтида исин,  
Жоним садқа бўлсин ўхшатишинга.

Сен энди ҳеч қачон ушалмас орзу,  
Силламини қуритган ҳўқм-фармонсан.  
Сен сўнган умидсан, қиррадор қайғу,  
Аламсан, аттангансан, афсус, армонсан...  
Майлими, энди бир кўзгуга боқиб,

Чеҳраи зардимга биров ачинсам:  
Боиси бағримни ўтларга ёқиб,  
Сен менинг юзимга тушган ажинсан.  
Култепада ётган синиқ табассум,  
Кўзимда йилтиллаб турган кулгумсан.  
Ташлаб кетолмайсан лоақал бир зум,  
Сен менинг бойлигим, менинг мулкимсан.  
Ташлаб кетолмайсан, тарк этолмайсан,  
Манзилинг олисдир, йўлинг хагарнок.  
Қандайлар кетасан? Мен сенга айтсам,  
Сен менинг сочимга оралаган оқ.

Мен сенинг юзингга тик қарамадим...  
Осмонни оядай айлаган бошқа,  
Тишларимни тишга қайраган бошқа,  
Мен суйган сулувни сайлаган бошқа  
Қарасам кўнглингга қарадим фақат.

Мен сенинг юзингга тик қарамадим:  
Синалган сирдошим, суйанган дўстим,  
Келса тўлади деб бор каму кўстим,  
Деворлардан бўйлаб бўй чўзим, ўсдим,  
Қарасам йўлингга қарадим фақат.

Мен сенинг юзингга тик қарамадим,  
Шу ўзи расулдир, шу ўзи наби,  
Қай сўзга жуфтланди экан деб лаби,  
Ўргатилган содда содиқ ит каби  
Қарасам кўлингга қарадим фақат.

Мен сенинг юзингга тик қарамадим...

Юртни сўраб турган шаҳаншоҳимдинг,  
Тунни сўтга чайган малак-моҳимдинг,  
Оҳулар кўксиди озор, оҳимдинг,  
Ёр, сенинг васлингга етолмадим мен.

Шоҳнинг одамлиги ёдига етди,  
Ийиб гадосининг додига етди  
Гадо шоҳ бўлди — муродига етди  
Бир сенинг васлингга етолмадим мен.

Бошимдан олтинин сочдими кун, о,  
Сим-сиёҳ сочимда битдими тун ё,  
Билдим бир кам экан беш кунлик дунё,  
Ёр, сенинг васлингга етолмадим мен.

Алпомиш Барчиннинг қошига етди,  
Ёсуман Фарҳоднинг бошига етди,  
Исминг олган қизим ёшига етди  
Бир сенинг васлингга етолмадим мен.

Юрагимни ютиб бу ерга келсам  
Атрофни босганди сеҳрли сукут.  
Тонгларнинг муз каби нафасларидан,  
Учоқлар бағридан ўрлар эди дуд.  
Вулқон — важоҳатин тишида тишлаб  
Сукутга чўмганди бунда тоғу тош.  
Фақат бир-бирига оғанича лаб  
Дарахтлар чайқарди бир маромда бош.  
Қушлар воқиф айлаб сирдан бир-бирин  
Она тилларида сўйларди там-там.  
Бир менадан қизғониб дунёнинг сирин  
Шамоллар юрарди тилига маҳкам.  
Тунлари бошимда чироқлар ёқиб,  
Юлдузлар жимгина сочардилар зар.  
Енимда гунг дарё борарди оқиб,  
Борарди тошюрак, тилсиз одамлар.  
Дилим, бу сукутни уқдингни, сен, хўш?  
Дилим, улар шунга келишган, кўнган  
Ва адо бўлсин, деб мендай оғзи бўш  
Шундайин сеҳрли сабрга дўнган.

## БУ БЎСТОН САҲНИДА ГУЛ ҚЎП, ЧАМАН ҚЎП

ФИРУЗА

Синиққан самода кезади бир руҳ  
Фаромиш кечанинг эртаги ҳазин.  
Дилхатсиз юракка санчилган андуҳ,  
Қаландар куйини чертади маҳзун.

Дил менинг боримни ютган ичига,  
Мунглар томиридан гулдайди очун.  
Тоза нигоҳимга гуноҳ ичирган,  
Кўзларинг кўзимда йиғлайди бир кун.

Бир ғариб кулбада кўнгли асранди,  
Афсунган макрига қулайди сабрим.  
Бир дунё сеҳрига қўлларим банди,  
Юрагинг — бу менинг энг чуқур қабрим...

Покдил руҳ кезмади, фалак — қабристон.

Ғариб дил ғарибтар дилингда кезса,  
Соҳирий тушингни ютганда кўзим.  
Бир маҳзун оҳимнинг ҳидини сезсанг,  
Гулгами, кўнглига тилагин тўзим.

Қалби моҳ эдимку оҳ бўлдим, фалак,  
Бориб гуллатмадим симо уйини.

Нафиса мунг бўлиб куйлайди юрак,  
Ялдо кечасининг бахтсиз куйини.

Азоб, меҳр бериб олганим азоб,  
Елиб қўй муҳаббат харитасини.  
Энди қаландарлар асрайди сендан,  
Кўнглимнинг кўз теккан даричасини.

Мен эса бир манзил истаيمان кўкдан.  
Юлдуз дарёсидида бир умр оқсам,  
Тангри нигоҳидан тушган оловга,  
Хиёнатдан куйган бағримни ёқсам...

Ғариб дил ғарибтар дилингда кезса,  
Қалбингга ўқ бўлиб қадалса сўзим.  
Қуйик бир япроқнинг бўйини сезсанг,  
Гулгами, кулгами тилагин тўзим.

Эгамназар ОСТОНОВ

Олов ичидаман бирам қаҳратон,  
Сени севганим йўқ, севганим, «ёлгон».  
Уйноқ қароғингга термулавериб,  
Гадо нигоҳимдан оққан эмас қон.

Баҳорни кутаман, кутаман ёмғир,  
Томчи лабларидан ўпаман қайнаб.  
Оч қолсам севгининг саҳроларида,  
Осмонга чиқаман юрагим чайнаб.

Шамолда суяк йўқ, суяксиз тилим,  
Оёғинг остига отдим кўзимни,  
Бораман севгимнинг мозорларига,  
Қабртош қўяман, қўйғум ўзимни...

Хаёл сочларимни минг йил силади,  
Нурлар гул тутдилар ўтди қўлимга.  
Товонинг остига сочилдим, тупроқ,  
Ёлғиз сен чиқмадинг ғамзор йўлимга.

Уради жаннатнинг майин ифори,  
Илоҳлар сир солди нотинч дилимга.  
Кучоғин очди-ю, денгизлар, шамол,  
Гулам сен чиқмадинг ғамзор йўлимга.

Юрагимни ёрдим соладим исмингни,  
Сочингни ўрардим киприқларимга.  
Кутдим мажнунголдай боқиб мунтазир,  
Чақмоқ кўринмадинг ғамзор йўлимга.

Тоғлар ўйин тушиб имлаб қақирди,  
Уксиб сиғинаман кўксим чўлимга.  
Фаришта ҳарирда қучди — қотганман,  
Азизам чиқмадинг ғамзор йўлимга.

Қарогдан кўпирди умиднинг сели,  
Тишим тўғ санчади ёлғиз сўзимга.  
Дунёни яратиб билмай куйдирдинг,  
Рухжаллод чиқмадинг ғамзор йўлимга.

Келмадинг ўзимни бердим, йўлимга.

**ТАНИҚЛИ ШОИРА ТУРСУНОЙ СОДИҚОВА БИЛАН МУЛОКОТ.**  
Турсуной СОДИҚОВА аввало дилбар шеърлари билан эл кўнгилни олган. Айни пайтда Андижон вилояти хотин-қизлар кўмитасига бошчилик қилади.

Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факультетини 1966 йили тамомлаган. Бахтиёр Назаров, Дадаҳон Ҳасанов каби таниқли адабиётчи ҳамда кўшиқчилар опанинг ҳамкурсларидир. Турсуной опа шу кунда ҳам фаол жамоат ишларидан ортиниб, Андижон Давлат университетига адабиёт назариясидан дарс беради.

Турмуш ўртоғи — Турдиали ака Андижон шаҳар бош меъмури. Турт нафар фарзанди бор. Тўнғич қизи Иродахон — Андижон тиббиёт олийгоҳини шу йил тамомлапти. Иқболи Узбекистонда ягона бўлиб, Фарбий Германияда ўқиб келди. XII жаҳон фестивали қатнашчиси. Илҳомжон педагогика билим юртининг рассомчилик факултети толиби, дидли мусавир. Кенжағой Баҳромжон Халқ хўжалик олийгоҳида ўқийди, мулло йигит.

Турсуной опанинг «Кизлар дафтари», «Куй», «Гул фасли», «Иқбол», «Дил гавҳари», «Излай-излай тоғаним» каби ўнга яқин китобларини

каби ва умуман барча шеърларингиз бир-бирдан чиройли, мукаммал.

— Дардимни тирнадингиз, укажон. Шоирлигим йилга турибди. Аммо бу лавозимин билан аёллар, оналар қалбини ихтиро қилиб юрибман. Турли қатламларга кириб боришимга шу ишим имтиёз берилти. Узим жуда кам ёзаман. Йилда 3-4 та шеър ёзсам-да, матбуотга бериш одатим йўқ. Шеър сўрасаларгина эсга келади. Оллоҳ олдида, одамлар олдида шоирлигимдан қарздорман, ахир худо берган неъмат — шоирлик иқтидоримдан тўлиқ фойдалана олмаётман.

— Шеърларингизни қайси пайтда ёзасиз?

— Аввало аёлни шоир қилиб яратмасин экан. Қозон қайнатаётганимда ҳам, кир юваётганимда ҳам шундай ажойиб сатрлар қуйилаб келавради. Турдиали аканинг чарчаб келсаю, болаларим ўқшдан оч-наҳор келсаю, мен бир пиёла чой, бир қошиқ ёвгон тутиш ўрнига шеър ёзаманми?! Шундай қилиб қанча-қанча ўтли шеърларим қогозга тушмай йўқ бўлиб кетади. Иш, рўзғор юмушидан ортиб, йилга уч тўрттагина шеърим дунёга келади, холос.

— Аллақаерда ўқигандим, Тошкентда туғилган экансиз. Андижонга қайси шамоллар учирган?

— Айб ҳаммамизда. Миллионга одам, миллион хил иқлим. Узингиз ўйланг, янги келин келган хонадонда эса камдада тўртта, саккизга иқлим бор. Ҳеч қачон бу иқлимлар, бир-бири билан осонгина йўл билан чиқишиб кета олмайди. Бирининг совуғи ўткирлик қилади, бирининг иссиғи, бирининг жазирамаси бўлса, бирининг музаамаси ўткир.

Хонадонга янги келин келган қайнонадан лозими: «Менинг олтмиш йиллик ёшим бор. Бировнинг 18-20 га кирган қизини олдим. Бу нима кўрибди, отаси ишласа, онаси ишласа, мактабда келин бўлишни ўқитмасан бўлса, кам-кўстини ўргатай, алдаб-сўлдаб болам дейин».

Келин ҳам: «Энди шу уйга келдим, шу ерда унинг-ўсай, жонидан азиз боласига тенг кўрди мени, шу аёлдан нега ётсирай, онажон деб ийдирай», дейиши керак-да.

Ушанда рўзғорга тотувлик қиради. қайнона келин айбини, келин қайнона кам-кўстини, қувв келинни кечирishi керак. Бир оғиз гапни чувалаштиришдан кўп қўйди-чиқдилар бўлаётганини кўриб турибмиз.

— Сиз ўзингиз турмуш ўртоғингиз билиб-билмай бирор гуноҳ қилса кечира олмасми?

— Турмуш ўртоғимга мен ўзимни

— Қандай одамларни ёқтирасиз?

— Содда, қшилоқ одамларни яхши кўраман. Самимий, бағри кенг одамларни севаман. Қизим Иродахонни ҳам Избоксаннинг энг узоқ, чекка қишлоғига, оддийгина монтер тоғага келин қилиб бердим.

— Турсуной опа, мактов учун ур. дилбар аёلسиз, кўркам аёلسиз, худо берган талантингиз бор. Сизни тукқан онангиз, падарингиз ҳам оддий одамлардан эмасдир.

— Отам Раҳимжон Содиқов камтарейна инсон эди, оддий касб — киоскачи эди. Газеталарда шеърим чиқса ёш боладай қувониб кўтариб келарди. Шоирлигим ота авлоддан. Амаким Муҳаммад Сиддиқ Мавжид ажойиб шоир эди. Вафотидан кейин энди китобини жамлаб нашр қилаяптиз. Яна бир амаким Муҳаммаджон Собиров, зукко олим, шоир одам эди. Онам Эргашон — ниҳоят дилкаш, хушчақчақ, ҳазил-ҳузугга мойил, дилбар аёл эдилар. Чевар эдилар. Мендаги кўп хислатлар онамдан, шоирлигим эса ота авлодидан ўтган. Ота авлодим Аъзаиймхон — эшонлар авлодидан. Оддий сўзни гапирсам ҳам одамлар хайратланиши, одамларга юдузим иссиқлиги йшалардан, йшлар руҳи мени қўллаб туришини аниқ кўриб-билли тураман.

— Андижонда ҳурматингиз баланд, обрўйингиз ҳавас қилгулик. Лекин бирор унвонингиз, орденнингиз борми?

— Мени хўп ўрганмоқни ният қилибсиз, жоним укам, қизиққаннингиз учун қуллуқ. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонини беришган. Роса куйинганман, мен артист бўлмасам, санъаткор бўлмасам, нега бунақа унвон беришди экан, деб. Гапнинг рости унвон орденларга хушим, ишқибозлигим йўқ. Нима унвон орден билан инсон ўзгариб қолади-ми?!

— Ўзингиз нодир истеъдодли шоирсиз. Бошқа шоирларнинг қай бирини севиб ўқийсиз?

— Ҳалимани гоят ҳурмат қиламан, уни бизга худо берган. Эркин Воҳидовдаги тиниқликни ёқтираман. Дарвоқе, номзодлик диссертатсиям «Эркин Воҳидов шеърларида анъана ва ўзига хослик» мавзусида. Абдулал Орипов фалсафасини яхши кўраман. Муҳаммад Юсуфни ҳар хил бало-қазолардан асрагим келади.

Малик БОИ МУҲАММАД,  
Ёзёвон

# АНДИЖОНДА ШУНДАЙ АЁЛ БОР

дўқонлардан топа олмайсиз.

Турсуной опадаги одамийлик, самимият, меҳр билан, кўнотчилик билан сўзлаш, одоб ва ўқат, сеҳрли овозни ҳеч қачон ва ҳеч қаерда учратмаганман.

— Мен бошқараётган вилоят хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини Ўзбекистонда биринчи ўринда деб баҳолашяпти, қувониб ишлаб юрибманда,— дейди опа. Лекин...

— Дилбар шеърларингизни ёзиб юрганингиз маъқулмикин? Ахир бу эгаллар ўткинчи, шеърларингиз эса умри боқийдир.

Бугун кўшини чорбоққа Келин тушди ёр-ёр. Эшитмасам қанийди, Хушим учди ёр-ёр...

— Андижонликман, шу ерда туғилганман. Тошкент дорилфунунинда ўқиганман, паспорт алмаштиргандими-ей Тошкентда туғилган деган ногўғри ёзув тушиб қолган.

— Мактабда ҳам ишлаганмисиз?

— Дорилфунунин тамомлаб 14 йил мактабда ўқитувчилик қилдим. Сўнгера Андижон дорилфунунинга ўтдим. Мактабни ҳамон соғинаман, кўмсайман. «Одобнома» деган 30 соатлик дарслик ёздим, бу йша мактабни соғинганим туфайли туғилди. Дарсликни халқ таълими вазирлиги маъқулади, китоб қилинляпти.

— Кейинги йилларда йигит ва кизлар, яъни келин-қувёллар орасида ажралиш кўпайиб кетди. Сизнингча, айб кўпроқ кимда?

биринчи навбатда она, унинг йўқотган отаси, ҳаётда нимашки йўқотган бўлса, йшларнинг бадалаеа келган ўринбосари деб биламан ва аёл бўлиб кечирishi мумкин бўлмаган айбларини онаси бўлиб туриб кечириб юбораман.

— Бахтлимисиз?

— Ҳаятда бахтлиман, ширин рўзғорим, ўғил-қизларим борлиги учунгина эмас, эл эътиборидаги шоирлигим, обрўю, арзимас амалим учунгина эмас, кўзларим қуёшни кўраётгани, димоғим райшон ҳидини туняётгани учун, гулни кўриб сунонаётганим, қўлларим дўстларни, яхши одамларни ишлаётгани, оёқларим билан ерни бо-сайётганим учун ҳам бахтлиман, бахтиёрман, укажон!

## ХАТ ШИРИН ХОТИРАНИНГ АЗОБИ

Эндигина ишдан қайтиб, қўлимга газет олган эдим ҳамки, хотиним жаҳл билан тепамга келди. Кўзлари қизарган, қовоқлари ишишган, гагини қиёфада, кўринишидан йиғлаганга ўхшайди.

— Нима воқеа бўлганини англаб етмасидан, қаёқдандир, қўлида бир конверт пайдо бўлди.

— Бу нима?— деди жаҳл аралаш.

— Конверт!— дедим топишмоқ ечган боладай шоша-пиша.

Шундай дейишим билан у конвертнинг орқа томонини ўгирди. Шу тобда... Кўз олдимда сенинг жажжи қўлларинг билан ёзилган чиройли сатрлар намоён бўлди. Вужудим ловуллаб, кўз йнгим қоронғилаша ва сен ёзган чиройли сатрлар «ажжи-бужи» шаклида кўрина бошлади.

Бир неча кун оч қолган йиртқиш шиддати билан хатга ташландим. Йўқ, мен кечикан эдим. Хат аллақачон қўл етмас жойда турарди... Бир оғиз гапирмасдан (ҳозир унга ҳеч нарсани тушуни-тириб бўлмаслигини англаб) ташқарига чиқиб кетдим.

Хотиним ҳам отасиникига бўладиган «сафар анжомларини» тайёрлай бошлади. Ана, бир қўлида бола, бирида туғун, бир боласини эргаштириб йўлга тушди. Орқасидан қайнонаси — онам елиб бораяпти.

Уйлаб ўйимга етолмайман. Наҳотки, бундан бир неча йиллар бурунги талабалик даврининг ширин хотираларини эслашга, собиқ ҳамкурс қизлардан хат олишга ҳаққим бўлмасам?! Инсон ўз хотираси, ўтмиши билан тирик эмасми? Рашк қилиш яхши, бироқ ишонч ҳам керак-ку. Энди англаяпман, онанинг дарз кетишига, эр-хотин орасидаги совуқчиликка катта-катта сабаблар шарт эмас экан. Оддийгина, арзимас баҳона бўлса бас. У ўз кучини кўрсатар экан. Шу ўринда аёлларга бир оғиз гап айтмоқчиман, холос. Илтимос, азизлар, беқларингизга ишонинг. Ҳадик билан яшаиш нақадар оғир. Билинги, қўн-гилга ҳеч ким буйруқ бера-олмайди. Ҳатто ўз соҳиби ҳам...

Қосим ЙУЛДОШ,  
ўқитувчи



ГУЗАЛЛИГИНГ СИНГАРИ КОКИЛЛАРИНГ РАЪНОГУЛ

С. МАҲКАМОВ сурати

Муҳаббат деганлари одамнинг ориғу семизлигига қарамаскан. Қирқинчи илнинг орқасига ўтса кўринмайди-ган, «қуруқ ёғочдек биқинимга ботавериб ҳаммаёғимни яғир қилиб юборди» деб хотини ташлаб кетган Турди тарашанинг ишқи кўшни жувонга тушиб қолди. Эртадан кечгача девор оша кўшникига мўралагани-мўралагани. Хусни-жамолини кўрди дегунча, деворга суркалиб, энтиккани-энтиккан. Ҳатто жувоннинг хуноби ошиб инжиқ болсини қараётгандаги овози ҳам ёқимли кўшиқдек дилини ўртайди.

ни-ю,— деди фарчашмлари-ни сузиб,— бир ўзингиз зерикиб-б ўтирибсизми? Чикинг, бир пиёла чойимиз бор... уёқ-буёқдан тўртта гурунг деганларидай, а...

Бу илфот Турди тарашанинг ўртанган юрагини ийдириб юборди. Узига ярашмаган чаққонлик билан девор ошиб, жувоннинг рўпарасида ҳозир нозир бўлди.

— Улиб ўтирган экансиз-да, а, Турди та... эй, қани уйга кириш,— деди жувон рўмолининг учини тизлаб.— Бирорта бегона кўш... Гап-сўздан кўрқаман...

тираётгандай эди. У белигача ечинаркан, чўян иситкичи-кидек тарам-тарам кўрқинчи қовурғаларини силаб-сий-палади, косовдек қўлларини жувонга томон чўзди.

— Мен... мен... мен тайёр-р-р...— деди нафаси оғзига тикилиб.

— Мен ҳозир,— деди жувон ва кўшни хонадан типирчилаб йиғлаётган боласини етаклаб чиқиб, унга Турди тарашани кўрсатиб,— кўрдингми, яна шунақа хархаша қилиб овқатингни емасанг, ана шу амакингдай озби-тузиб, арвоқнинг ўзи бўласан-қоласан!

## КЎРҚИТМОҚЧИ ЭДИМ...

— О, муҳаббат, о, муҳаббат!— дея қотма кўкрагига тарашадек қўллари билан мушлайди. Баъзан жувоннинг кўзига кўзи тушиб қолса борми, ҳўлу қуруққа ўт тушди деяверинг!..

Ажойиб кунларнинг бири-да, Турди тараша сўрининг остидаги қаравадта, лўлаболишга кўкрагини бериб, ширин хаёлга фарқ бўлиб ётган пайти кутилмаганда кўшни жувон девор оша мўралаб, қош қоқди.

— Ху, кўшни,— кўш-

Турди тараша ҳаяжондан қалт-қалт титрар, уйга кириш-кирмаслигини ҳам билмасди. Жувоннинг бир-икки марта «киринг-киринг», «эр-каксизку» деган қочиримларидан сўнг, ним қоронғу хонага кирди.

Жувон хона чироғини ёқди ва Турди тарашага яқинлашиб, унинг биқинига бош бармоғи билан нуқиди.

— Ечинмайсизми?!

Турди тарашанинг ихтиёри қўлдан кетди-қолди. Уни биров сеҳр кучи билан ечин-

Бола кўрқанидан онасининг оёқларини қучоқлаб йиғлади. Жувон боласини «бўлди-бўлди» дея бағрига босди ва Турди тарашага бош силкиди.

— Бир боламини кўрқитмоқчи эдим. Нуқул овқат сузиб берсам, «емайман» деб хархаша қилади... Раҳмат сизга.

Турди тараша тарашадек қотиб қолди.

Абдураҳмон ИБРОҲИМОВ

## ТТТ ДЕВОРИДАГИ ЭЪЁЛОНЛАР

Фуқаро Н. кўчага чиқшдан олдин уйи-даги дазмолни ўчирмасдан ва кўча эшигини қулфламасдан чиқши оқибатида унинг уйига тушган ўғри дазмолдан чиққан ёнғидан жиддий тан жароҳати олган. Ўғрининг даъво аризасига кўра фуқаро Н. устидан жиноий иш қўзғатилди.

(Суд қароридан кўчирма.)

\* \* \*

Электр токининг йўқлиги сабабли экстрасенс Ҳаққулов вақтинча беморларни қабул қилмайдилар.

Монтёр ШОБЕРДИ.

\* \* \*

Кичик илмий ходим К. Эртоевнинг «Яхши фикр яхши тушликдан кейин туғилади» деган темада ёзган номзодлик шшнинг ҳимояси тушликдан кейинга қолдирилди.


Илмий Кенгаш.

\* \* \*

Қадди-қомати келишган, ҳар томонлама гўзал, бўйни ингичка, бўғишга ўнғай, санъат учун жонини ҳам қурбон қиладиган фидойи актрисаларни Дездемона ролига таклиф этамиз.

Театр маъмурияти

Илҳом ЗОЙИРОВ



— ОЙИ, ҚАРАНГ ДАДАМ... ТЕЛЕВИЗОРДА КЎРСАТИШАПТИ!

Муаллиф: Илҳом ЗОЙИРОВ



дан хабар топган Чўлпон Эргаш бир неча кундан кейин Рауф Парфидан гина қилиб:

— Сиз мени одамларга ёмонлаб-сиз,— дебди.

— Тўғри,— дебди Рауф.— Лекин мен бақириб ёмонламадим, шивирлаб ёмонладим.

### «РАҲМАТ, САЛАМАТ!»

Борис Пармузин бир ўртоғи билан Японияга борган экан. Бошларига дўппи кийиб олиб, Токио кўчаларидан бирида сайр қилиб юришганида икки нафар япон келиб саломлашибди-да:

— Сизлар ўзбекистонлик эмасмисизлар?— деб сўрашибди.

— Ҳа, бизлар Тошкентданмиз,— дейишибди.

Шунда ҳалиги японлардан бири: — Раҳмат, саламат, Ташкент, Бего-вот,— дебди жилмайиб.

Кейин ҳамюртларимизни емакхонага таклиф қилишибди. Уларга икки шиша шарбат олиб бериб:

— Шунинг ичиб ўлтиришлар, биз чорак соатда қайтиб келамиз, гап бор, кетиб қолсанлар қаттиқ хафа бўламиз,— дейишибди.

Меҳмонлар нима гап борлигини билиш учун кутиб ўлтиришибди. Японлар роса чорак соатдан кейин иккита кичкина-кичкина қовун кўтариб келишиб, сўйиб беришибди. Еб кўришса болдан ҳам тотли эмиш.

— Биз сизлардан миннатдормиз,—

дейишибди мезбонлар.— Бизларда қрвун умуман бўлган эмасди. Халқимиз бу ҳақда ҳатто тасаввурга ҳам эга эмас эди. Тошкентдан асирликдан қайтаётиб, уруғини яширинча олиб келган эдик. Ушандан бери экамиз. ...Во ажаб! «Сизлар бизни асир олган эдинглар» деб ёвқараш қилиш ўрнига миннатдорчилик билдирганларини қаранг. Мана буни чинакам маданият деса бўлади.

### ОРИФ ЎРИСНИНГ ЖИЯНИ

Тошкентда «Ориф ўрис» лақаби билан ном чиқарган бир инқилобчи бўлган экан. У донм Уйғун менинг жияним деб мақтаниб юрар экан. Бир вақтлар, янглишмасам 1946-47 йилларда ҳукуматнинг чизган чизғидан чиқолмайдиган адабий жамоатчилик Уйғун акани ишқий шеърлар ёзганликда айблаб, бадном қилди. Ушандан кейин ҳеч ким ишқий шеър ёзмай қўйди. Шоирларимиз асосан пахтаюно пахтазорларни мадҳ этавердилар. Уша кезлари кимдир Ориф ўрисни учратиб қолиб, сўрабди:

— Жиянингиз қалай, кўришиб турибсизларми? Замонасоз инқилобчи «тоғал» қовоғини солиб дўқ урибди! — Смотря какой жияни!

Азиз АБДУРАЗЗОК

### ИНСОФ КИМДА!

Рауф Парфи ҳам дарвешваш шоирлардан. Бир кун у дасталанган саккиз юз сўм пулни кафтига қўйганича наشريётнинг йўлагига турган экан.

— Кимга қанча пул керак? Олсин,— дер эмиш ўтган-кетганларга.

Ҳеч ким унга қайрилиб боқмабди. Одамлар мийиғида кулиб ўтиб кўтаверишибди. Бир маҳал Чўлпон Эргаш келиб қолибди.

— Менга шу пулингиздан қарзга

беринг,— дебди у.

— Йўқ, қарзга эмас, еб кетарга бераман,— дебди Рауф.

— Қанчасини берасиз еб кетарга?

— Тўрт юз сўмини.

— Йўқ, олти юз сўмини беринг.

— Йўқ, тўрт юз сўмдан ортиқ беролмайман: Шунда қоқ ярни ўзимга қолади.

Бу гапга Чўлпон Эргаш нима дермиш денг:

— Сизда инсоф борми ўзи?

Рауф еб кетарга олти юз сўм берибди бинойидек ранжибди ҳам. Бун-

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РҶЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА,

Юсуф ЗИЕД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул қотиб).

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абду-салом УСМОНОВ, Урол УЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталлиб РОЗИҚУЛОВ, Майли ЙУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳожийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Житойя» давлат хўналығы, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» доғ маъсулотлари корхонаси

Таҳририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Ойла ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Намойишлар хиёбони, 1-бино. Телефон: 39-43-95.

Ҳалим САЙИД навбатчилик қилди

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 000080. Буюртма № Г-452. 25.999 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди, формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.